

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**МАХКАМОВ МАХКАМЖОН КОЗИМОВИЧ**

**БОШ МИЯ ҚОН ТОМИРЛАРИ АНЕВРИЗМАЛАРИДА 3D  
АНАТОМИЯСИНИ ҚАЙТА ЎЗГАРТИРИШНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА  
ЖАРРОҲЛИК МУОЛАЖАЛАРИНИНГ ФОКУС-ХИРУРГИК  
ЖАРРОҲЛИК УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.28 – Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Махкамов Махкамжон Козимович**

Бош мия қон томирлари аневризмаларида 3D анатомиясини қайта ўзгартиришни қўллаган ҳолда жарроҳлик муолажаларининг фокус-хирургик жарроҳлик усулларини такомиллаштириш..... 3

**Махкамов Махкамжон Козимович**

Разработка фокусно-хирургических методов оперативного вмешательства при аневризмах сосудов головного мозга с использованием 3D реконструктивной анатомии..... 17

**Makhkamov Makhkamjon Kozimovich**

Development of focused-surgical methods for operative intervention at brain vessels aneurysms with use of 3D reconstructive anatomy..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 35

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**МАХКАМОВ МАХКАМЖОН КОЗИМОВИЧ**

**БОШ МИЯ ҚОН ТОМИРЛАРИ АНЕВРИЗМАЛАРИДА 3D  
АНАТОМИЯСИНИ ҚАЙТА ЎЗГАРТИРИШНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА  
ЖАРРОҲЛИК МУОЛАЖАЛАРИНИНГ ФОКУС-ХИРУРГИК  
ЖАРРОҲЛИК УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.28 – Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib182 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва Хельсинки Университети марказий госпиталининг нейрохирургия бўлимида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.niito.uz](http://www.niito.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хаджибаев Абдуҳаким Мўминович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кариев Ғайрат Маратович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
	<b>Мамадалиев Абдурахмон Маматқулович</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>И.И. Джанелидзе номидаги шошилич ёрдам илмий текшириш институти (Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: [niito-tashkent@yandex.ru](mailto:niito-tashkent@yandex.ru), Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Ж. Азизов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.М. Рустамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

**И.Ю. Ходжанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «бош мия қон томирларининг аневризмаси натижасидаги субарахноидал қон қуйилиши (САҚ) цереброваскуляр патологиянинг энг оғир шакли саналади»<sup>1</sup>. Касалликнинг юқори даражадаги тиббий-ижтимоий аҳамияти унинг нафақат кенг тарқалганлиги билан, балки ўлим даражасининг юқорилиги ва ногиронлик кўрсаткичлари катта иқтисодий зарар келтириши билан белгиланади. «Бугунги кунда 30 кунлик ўлим кўрсаткичи 40% ни ташкил этади, тирик қолганларнинг тахминан 50%и эса доимий ногиронлардир»<sup>2</sup>. Диагностика ва микрохирургия технологияларининг ривожланиши билан аневризмаларни хирургик даволаш тамойиллари ҳам ривожлана бошлаган, церебрал аневризмани клипслаш йўли билан уни қон айланишдан ишончли четлатиш эса усулнинг асосий афзаллиги ҳисобланади. Эндovasкуляр хирургиянинг радиологик натижалари диагностик ҳамда бош мия қон томирлари аневризмаларини даволашда услубий жиҳатдан қимматлиги билан ҳам бир қатор камчиликларга эга, шу сабабли бу муаммо ечимининг янги йўллари излаш устувор йўналишлар қаторида қолмоқда.

Дунё миқёсида бош мия қон томирлари аневризмалари бўлган беморларда унинг ёрилиши юз берган ва юз бермаган ҳолларда патологик жараённинг клиник кечиши хусусиятларига бағишланган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фокуси микрохирургия усуллари беморларни даволаш тактикаси асосида такомиллаштириш, бош мия қон томирлари аневризмаларини турли йўллар билан даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва қамровини сезиларли кенгайтириш юзасидан кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «болалар ва аҳолининг бошқа гуруҳлари тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари» белгиланган<sup>3</sup>. Шунга кўра, бош мия қон томирларидаги артериал аневризмаларнинг клиник кечиш хусусиятларини тадқиқ қилиш, бундай беморларни ташхислаш ва даволашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш, жумладан, замонавий компьютер инновацион технологияларидан фойдаланиш орқали микрожарроҳлик амалиётлар самарадорлигини ошириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Всемирный доклад о профилактике нарушений мозгового кровообращения. Женева: Всемирная организация здравоохранения, 2015.

<sup>2</sup> Dority J. S., Oldham J. S. Subarachnoid Hemorrhage: An Update // Anesthesiol Clin. – 2016. – Sep. – Vol. 34, №3. – P. 577-600.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 4947 - сон Фармони «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 07.02.2017

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бош мия аневризмалари муаммолари, айниқса, чет эллик тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилмоқда. Аневризмаларнинг хавф омиллари, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш механизмлари ўрганилган. Heros R.C. ва Fritsch M.J. (2001) фикрларига кўра, қон томирларининг хирургик анатомияси соҳасидаги тадқиқотлар катта қизиқиш уйғотмоқда, бу эса мия моддасига кам таъсир қилиб, жарроҳлик амалиёти радикализмини ошириш имкониятини яратади. Европалик тадқиқотчилар (Финляндия) ёрилмаган аневризмаларда амалиёт бажарилиб, физиологик қон оқимини сақлаб қолган ҳолда, аневризманинг бўйинчасидан кесиб ташлаш амалиёти бажарилиши зарурлиги тўғрисидаги хулосага келишган (Dashti R. et al., 2007). Аневризма ёрилиш механизмлари ва уни башорат қилиш имкониятларига бағишланган кўп тадқиқотлар ўтказилган (Aishima K., et al., 2016). Етакчи марказлар маълумотларига асосланиб, неврологик жихатдан оғирлашиб қолиш хавфи бўлган гуруҳларга кирувчи потенциал беморларни аниқлаш имконини берувчи прогностик модели ишлаб чиқилган (Бивальцев В. А., Сороковиков В. А., 2010).

Бир гуруҳ олимлар (Lo V.W. et al., 2016) томонидан оғир даражали градацияга эга бўлган САҚ оқибатларини 40 йил давомида ўрганиш бўйича йирик ретроспектив тадқиқот ўтказилган ва 30 йил мобайнида яхши сифатли натижалар улуши 13% дан 30% гача кўпайган, лекин кейинчалик шу кўрсаткичлар ўзгармаганлиги аниқланган. Ўлим кўрсаткичи юқори бўлганига қарамай, муаллифлар беморларнинг қарийб учдан бир қисмида яхши сифатли функционал натижага эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Dority J.S.(2016) тадқиқотларига кўра, бугунги кунда САҚ 30 кунлик ўлим кўрсаткичи 40% ни ташкил этади, омон қолганларнинг 50%и эса турғун ногирон бўлиб қоладилар ва шунинг учун, артериал аневризмалардаги САҚ ўлим кўрсаткичи юқори ва ногиронликка олиб келувчи касалликлар қаторига киритилади. Aishima K. (2016) тадқиқотларида ёрилмаган аневризмалари бўлган беморларнинг ҳаёт

давомийлиги математик модель асосида ўрганилган ва шу асосда хавф омиллари инкор этилганда аневризмаларнинг ўсиши йилига 0,5%ни ташкил қилиши аниқланган. Шунга қарамай, умумий хавфлар ва узоқ муддат ёрилмаган аневризмаларнинг ҳаёт давомийлигига ва сифатига таъсири шу кунгача ўрганилмаган.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бош мия қон томирлари аневризмаларини клипслашдаги анъанавий усулларининг камчиликлари ва асоратлари, эндоваскуляр хирургиянинг услубий камчиликлари ва унга эришиш мураккаблиги ҳамда ушбу оғир турдаги беморларни даволаш тактикасини танлашда радио-рентгенологик усуллар, жумладан, замонавий инновацион компьютер технологияларини қўллаш имконини берувчи 3D тартибдаги МСКТ-ангиография (МСКТА) текширувининг самарадорлиги етарлича ўрганилмаганлиги замонавий нейрохирургиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишдаги тадқиқотлар нафақат диагностика самарадорлигини ошириш, балки амалий нейрохирургия учун церебрал аневризмаларни оператив даволашнинг энг авайловчи усулларини ишлаб чиқиш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС-15.4.2 «Аневризмалар, мальформациялар ва окклюзив жароҳатлар ва интракраниал церебрал артериялари касалликларининг диагностикасини ва даволашнинг микрожарроҳлик ва эндоваскуляр усулларини такомиллаштириш» (2015-2017 йиллар) амалий дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фокусли микрохирургик усулларини қўллаган ҳолда бош мия аневризмаларини даволашнинг натижавийлиги ва хавфсизлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бош мия қон томирлари аневризмаси ёрилган ва ёрилмаган беморларда патологик жараён клиник кечишининг хусусиятларини баҳолаш;

бош мия қон томирлари аневризмалари анатомиясини 3D КТ-ангиография ёрдамида жарроҳлик амалиётини танлашдаги диагностик ва прогностик аҳамиятни аниқлаш;

бош мия қон томирлари аневризмаларида 3D КТ-ангиографияни қўллаган ҳолда фокусли микрожарроҳлик усулини ишлаб чиқиш;

бош мия қон томирлари аневризмалари бўлган беморларни полифокал жароҳатларини ҳисобга олиб даволаш услубини ишлаб чиқиш;

бош мия қон томирлари аневризмаларини анъанавий ва фокусли микрожарроҳлик клипслаш усуллари натижаларини қиёсий баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2008-2017 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон) нейрохирургия бўлимида ва Хельсинки университети (Финляндия) нейрохирургия

бўлимида даволанган бош мия қон томирлари аневризмаси билан 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 282 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** бош мия қон томирлари аневризмаси бўлган беморларнинг клиник, радиологик ва бошқа нурли ташхис усулларидаги текширув натижалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумий клиник ва махсус текширув усуллари: неврологик кўрик, Hunt & Hess (1968) ва Глазго комаси кўрсаткичлари бўйича баҳолаш, мультислайс компьютер томографияси (МСКТ), 3D реконструктив КТ-ангиография, магнит-резонанс томография (МРТ), транскраниал доплерография (ТКДГ), Глазго оқибатлари кўрсаткичлари (ГОК) бўйича баҳолаш, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бош мия қон томирлари аневризмалари МСКТ-ангиографияси ва 3D реконструкциясининг диагностик аҳамияти аниқланиб, шу асосда касалликни топографик жиҳатдан ташхислаш ва хирургик даволашнинг услуби такомиллаштирилган;

жарроҳлик амалиётидан олдин аневризмаларга олиб боровчи максимал қисқа траекторияни уч ўлчамли моделлаш асосидаги очик фокусли микрохирургик услуб ишлаб чиқилган;

бош мия аневризмаларида жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун МСКТ-ангиографик ўлчамларига кўра кўрсатмалар ишлаб чиқилди;

Глазго оқибатлар кўрсаткичлари ёрдамида бажарилган фокусли базал цистерналар диссекцияси ҳаётини муҳим бўлган бош мия анатомик тузилмаларининг жароҳатланиш даражасини камайтириши ва жарроҳлик хавфсизлигини ошириши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бош мия қон томирларини МСКТА суратларини 3D реконструкция ва таҳлил қилиш, шунингдек, жарроҳлик амалиётидан олдин энг оптимал кузатиш бурчагини танлашни виртуал режалаштириш усули ишлаб чиқилган;

артериал аневризмалар бўлган беморларда бош мияни МСКТА 3D интраоперацион қўллаш услуби ишлаб чиқилган;

МСКТ-ангиографик 3D реконструктив моделлаш ёрдамида бош мия қон томирлари ангиоархитектоникаси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фокусли микрожарроҳлик услуби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, радиологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва



таклифлар назарий аҳамиятга эғалиги, бош мия қон томирлари аневризмалари бўлган беморлар диагностикаси ва даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшиши билан белгиланади. Субарахноидал қон қуйилишда бош мия қон томирлари аневризмаси ва полифокал зарарланишлари бўлган беморлар диагностикаси ва даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган, бу эса ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш босқичларида тиббиёт ҳодимларининг ҳаракатларини стандартлаштириш имконини берган. Бош мия қон томирлари аневризмаларининг МСКТ-ангиография ва 3D реконструкциясининг аҳамияти ўрганилган ва бу диагностика сифатини ошириш ва хирургик даволашнинг энг оптимал тактикасини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зарарланган соҳага ёндашувни минималлаштириш, амалиёт вақтини ва бош мия интакт соҳаларига салбий таъсирни қисқартириш йўли билан камшикаст фокусли микрохирургия усули ишлаб чиқилганлиги ва клиник амалиётга татбиқ этилганлиги билан белгиланади, бу эса даволаш самарадорлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичи, шунингдек, меҳнат ва ижтимоий чекланишларни камайтириш имконини берган, артериал аневризмалар ривожланиш ҳавф гуруҳидаги беморлар скринингига бош мияни МСКТА 3D текширишнинг татбиқ этилиши эса уларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш тактикасини индивидуал танлаш ёрдамида ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бош мия қон томирлари аневризмалари бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бош мия қон томирлар ўзани ангиоархитектоникасини уч ўлчамда моделлаштиришга асосланган бош мия қон томирлари аневризмаларини фокусли хирургик даволаш услуги таклиф этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 8н-д/130-сон маълумотномаси). Бош мия қон томирлари аневризмалари бўлган беморларни бу услубда даволаш хирургик даволаш сифатини ошириш имконини берган;

субарахноидал қон қуйилишда бош мия қон томирлари аневризмаси ва полифокал зарарланишлари бўлган беморлар диагностикаси ва даволаш тактикасини танлаш услуги амалиётга татбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 8н-д/130-сон маълумотномаси). Даволаш-профилактика чора-тадбирларининг таклиф этилган комплекси ушбу беморларда асоратлар частотасини камайтириш, даволаш ва реабилитация ҳаражатларини қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 8 та мақола, улардан 6

таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва ҳозирги замон талабларига мослиги асосланган, мақсад, тадқиқот вазибалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниганлиги ҳақидаги маълумот берилган, иш натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш, диссертациянинг ҳажми ва қисқа тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.


Диссертациянинг **«Бош мия қон томирлари артериал аневризмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммосининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган, этиология, артериал аневризмаларнинг патогенези, субарахноидал қон қуйилишининг энг жиддий асоратлари ва унинг намоён бўлишига оид сўнгги адабиёт маълумотлари атрофлича тавсифланган. Диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари берилган. Церебрал аневризмаларни САҚ клиникаси бўлган ва бўлмаган ҳолларда жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усуллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Материаллар ва қўлланган текширув усулларининг умумий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари батафсил баён этилган. 2008-2017 йилларда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон) нейрохирургия бўлимида даволанган ва Хельсинки университети (Финляндия) нейрохирургия бўлимида бош мия қон томири аневризмалари бўлган 18-60 ёшли 282 нафар бемор текширилиб, даволанганлиги ўрганилган.

Материаллар ва усуллар бўлимида текширилган беморлар тавсифи берилган, хусусан, беморлар иккита катта САҚ бўлган ва бўлмаган гуруҳга бўлинган. Бундан ташқари, артериал аневризмаларнинг ангиоархитектоникаси, хусусан ўлчами, шакли, миқдори ва жойлашуви батафсил баён этилган. Беморнинг амнези ҳам батафсил таҳлил қилинган. Артериал аневризмаларнинг ривожланиши ва ўсишига таъсир қилувчи ёндош кассаликлар ва бўлиши мумкин бўлган омиллар тавсифланган.

Диссертациянинг «**Бош мия қон томирларининг артериал аневризмаларини даволаш усуллари тавсифи**» деб номланган учинчи боби артериал аневризмалар ёрилиши кузатилган ва кузатилмаган беморларни даволаш тактикасини ўрганишга бағишланган.

Бош мия қон томирлари аневризмаларини уч ўлчамда моделлаштириш ёрдамидаги фокусли микрожарроҳлик услуги батафсил келтирилган (1-расм). Артериал аневризмалар ёрилиши кузатилган беморларни даволашни олиб бориш тактикаси тавсифланган ва жумладан турли жарроҳлик усуллари танилашга кўрсатмалар аниқланган (2-расм).




1-расм. Чап томондан ИУА орқа-боғловчи сегменти аневризмасининг 3D реконструкцияли МСКТ-ангиографияси

Биз таклиф этган очик фокусли микрохирургик жарроҳлик амалиёти бош мия асоси базал цистерналарининг беҳуда диссекция босқичини инкор қилади. Бунда бош миянинг магистрал томирлари ажратилиб, жарроҳлик амалиётидан олдин аневризма жойлашган майдонга максимал қисқа траекторияли йўналишни режалаштиришни ўз ичига қамраб олади, шу билан бирга, амалиётнинг радикалиги классик ёндашувга мос келади.

Мия аневризмасининг фокусли жарроҳлик даволаш усули амалиётдан олдинги режалаштиришда церебрал ангиографиянинг уч ўлчовли моделини интраоператив маълумотларга таққослаш билан ҳисобга олган ҳолда аневризмага мақсадли киришни амалга ошириш йўли асосланган.

Техник натижага МСКТ-ангиографик маълумотларни уч ўлчамли реконструкция қилиш йўли билан эришилди. Бунда аневризма чўққисининг йўналиши, унинг бўйин ўлчамлари, атрофдаги томирларнинг жойлашуви ва аневризманинг калла асосига нисбати батафсил ўрганилди. Бемор бош терисининг кесиладиган қисмининг йўналиши, бошнинг ҳолати, бош суяги трепанацион дарчасининг ўлчами, мия асососининг магистрал қон томирларини бутунлай диссекцион препарат қилмасдан хужум бурчагини тўғри аневризмага йўналтирилиб, керакли арахноидал қобиқлар ва цистерналарни очиш катталиги аниқланди. Миянинг қаттиқ қатлами (МКҚ) очилгач, жарроҳ мониторингдаги 3D томирларнинг тасвири бемор бошининг операция столидаги асл ҳолатига мос келадиган анимация текислигига келтирилади ва солиштирилади, сўнгра ўткир диссекция йўли билан

аневризма атрофидаги арахноидеялар очилади ва 3D тасвир маълумотлари интраоператив тасвир билан қайта солиштирилади. Аневризма бўйинчаси ажратиб олиниб, қон томир яхлитлигини реконструкция қилиш мақсадида керакли сондаги ва шаклдаги клипса ўрнатилади. Аневризмани қон айланишидан тўлиқ ўчиришга эришилгач, МКҚ тикилади. Операцион микроскопнинг катталаштириши ёрдамида аневризманинг клипсалаш жараёнининг тўғридан-тўғри визуал назорати таъминланиши билан минимал зарурий манипуляция орқали аневризма атрофидаги ва бош миянинг ҳаётий муҳим тузилмалари шикастланишини камайтирилди, аневризма қопчаси қон оқимидан клипса билан механик сиқиш орқали мустаҳкам ажратиб олинди ва натижада юқорида қайд этилган усулнинг камчиликлари бартараф этилди.




2-расм. Беморлар даволанишини олиб бориш тактикаси схемаси

Биз тавсия этган усул бажарилиши мумкин бўлган, бош мияга минимал даражада шикаст етказадиган, шунингдек, интраоперацион ва операциядан кейинги асоратларни камайтиришга имкон берадиган қон оқимидан аневризмани бартараф қилишнинг ишончли усулидир.

Диссертациянинг «**Артериал аневризмалари бўлган беморларнинг текширув натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида аневризмаси бўлган беморлар икки гуруҳга, яъни 146 та (51,8%) аневризма ёрилиши кузатилган ва 136 та (48,2%) кузатилмаган беморлар гуруҳига бўлинди.


Тадқиқот натижалари бўйича аневризманинг ёрилиши билан мурожат қилган беморларнинг церебрал ангиографиядан (78,5%) ва МР-ангиографиядан (89,8%) фарқли ўлароқ, 3D КТ-ангиографиянинг (97,1%) ташхис верификацияси анча аниқроқ эканлиги аниқланди. Аневризмалар ёрилиши кузатилган беморларда ёндош патологик ҳолатлар ҳисобга олинди ва чекиш (84,9%) ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш (97,9%) нинг

аҳамиятли таъсири даражаси аниқланди, бу эса аневризмаларнинг ёрилишида (ва уларнинг ҳосил бўлишида) қон томир интимасига таъсир этувчи омилларнинг бошқа ёрилишга олиб келадиган омилларга нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради (3-расм).




3-расм. Аневризма ёрилишига олиб келадиган омиллар

Аневризмаларнинг ёрилиши беморларда қуйидаги клиник белгилар билан намоён бўлган: 33,6% ҳолларда – САҚ, 17,8% – гидроцефалия, 8,2% – тутқаноқ синдроми, шунингдек, 30,8% – гемисимптоматика учради (4-расм).



4-расм. Ёрилган артериал аневризмаларнинг клиник белгилари

Артериал аневризмаларнинг ёрилиши юз берган беморларда Hunt & Hess (H&H) кўрсаткичи бўйича баҳоланган клиник ҳолат қуйидагиларни кўрсатган: 26,7% ҳолатда H&H I ва II даражалари, 54,8% ҳолларда H&H III ва IV даражалари ва қолган 18,5% ҳолатда эса H&H V даражаси билан намоён бўлган (5-расм).



5-расм. Беморларнинг Hunt & Hess кўрсаткичи бўйича тақсимланиши

Артериал аневризмалар жойлашиши кўпинча ўрта мия артериялари ҳавзаларида (42,2%) ўрта катталиқдаги (78,6%) қопчали турларининг устуворлиги билан (93,3%), ўрта мия ва олд мия ҳавзаларидаги ёрилишларнинг устунлиги (32,9% ва 32,1% мос равишда) билан тавсифланган (1-жадвал).

1-жадвал


#### Артериал аневризманинг ўлчамлари, таснифи ва шакли

Тасниф белгилари			
Аневризма ўлчами	Баландлиги	7,3±2,2 мм	
	Кенглиги	6,1±3,4 мм	
	Бўйни	5,2±1,9 мм	
Аневризма шакли бўйича	Қопчали	120	88,2%
	Фузиформли	16	11,8%

Диссертациянинг «Артериал аневризмалар бўлган беморларнинг жарроҳлик муолажасидан кейинги текширув натижалари тавсифи» деб номланган бешинчи боби жарроҳлик даволаш усуллари самарадорлиги натижаларини таҳлил қилишга бағишланган.


Жами 271 бемор операция қилинди, улардан 146 таси ёрилиб кетган аневризмалар ва 125 таси ёрилмаган аневризмалар билан операция қилинди. САҚ бўлган беморларда фокусли клипслаш 116 та ҳолатда, САҚ бўлмаган беморларда – 123 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди. САҚ бўлган 30 та ва 2 та САҚ бўлмаган беморда анъанавий ёндашув билан аневризмани клипслаш ўтказилди (6-расм).

ГОК бўйича жарроҳлик муолажалари натижаларини баҳолашда 161 (59,4%) ҳолатда яхши тикланиш (ГОК I, II), 88 (32,5%) ҳолатда оғир ногиронлик (ШИГ III), 14 (5,2%) тасида вегетатив ҳолат ва 8 (3,0%) та ҳолатда ўлим қайд этилди (7-расм).



6-расм. Жарроҳлик аралашуви турлари


Артериал аневризмани фокусли клипслашда 66,9% да ижобий натижа (ГОК I, II), клипслашнинг анъанавий усулида эса фақатгина 3,1% да ижобий натижа қайд этилди. Ўлим ёки вегетатив ҳолат каби салбий натижалар таҳлили (ГОК IV, V) уларнинг фокусли микрохирургия ўтказилган гуруҳ (0,9%)га қараганда, анъанавий клипслаш ўтказилган гуруҳда юқори эканлиги (65,7%)ни кўрсатди. Ҳар иккала даволаниш вариантыда ҳам ногиронлик деярли бир хил эканлиги аниқланди: анъанавий клипслаш – 31,3%, фокусли клипслаш – 32,6% (8-расм).



7-расм. Глазго оқибатлари шкаласи бўйича беморларни тақсимлаш

Шундай қилиб, ГОК натижавий ҳолатлари бўйича артериал аневризмаларни фокусли микрожарроҳлик клипслаш аневризма ёрилган ва ёрилмаган ҳолатларидаги танлов усули ҳисобланади, бунда бу усул учун кўрсатмаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу усул ўзининг эндоваскуляар аралашувларга нисбатан қулайлиги, самарадорлиги,

иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ҳамда тезкор даволаш учун радикаллиги ва универсаллиги билан муқобил усул ҳисобланади.



8-расм. ШИГ бўйича жарроҳлик муолажалари даволаш усулига кўра натижавий ҳолатлар

## ХУЛОСА

1. Артериал аневризмалар кўпинча ўрта мия артериялари ҳафзаларида жойлашади (182 бемор, 42,2%), ҳажми ўрта катталиқда бўлиб (195 бемор, 78,6%) қопчали шакллари кўпроқ учрайди (263 бемор, 93,3%), шу билан бирга ўрта ва олд мия артериялари ҳавзаларидаги аневризмаларнинг ёрилишга мойиллиги (тегишли равишда 32,9% ва 32,1%) кузатилади.

2. Бош мия қон томирлари артериал аневризмалари бўлган беморларда 3D реконструкцияли МСКТАни қўллаш объектни ҳар қандай бурчак остида ўрганиш ва жарроҳлик амалиёти босқичларини виртуал режалаштириш имконини бериши аниқланди.

3. Бош мия қон томирларининг ангиоархитектоникасини акс эттирувчи МСКТАнинг уч ўлчамли моделини қўллаш аневризма бўйнини фокусли очиш имконини беради ва уни клипслаш жарроҳлик соҳасидаги тўқималарнинг шикастланишини минималлаштириб, радикалликни сақлаб қолиш ва амалиёт хавфсизлигини таъминлаш имкониятини яратади.

4. Ёрилган артериал аневризмаси бўлган беморларни полифокал жароҳатларини ҳисобга олиб даволаш учун тавсия этилган алгоритм тактикаси энг маъқул натижаларга эга бўлиш имконини беради.

5. Аневризмаларнинг фокусли клипслаш йўли билан даволаш усулидан фойдаланиш (160 бемор, 66,9%) ижобий (ШИГ I, II) натижалар олиш имконини яратади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.28.02.2018. Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**  

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР ЭКСТРЕННОЙ  
МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

**МАХКАМОВ МАХКАМЖОН КОЗИМОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ФОКУСНО-ХИРУРГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ  
ОПЕРАТИВНОГО ВМЕШАТЕЛЬСТВА ПРИ АНЕВРИЗМАХ  
СОСУДОВ ГОЛОВНОГО МОЗГА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ 3D  
РЕКОНСТРУКТИВНОЙ АНАТОМИИ**

**14.00.28 – Нейрохирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/Tib182.**

Диссертация выполнена в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи и в Центральном госпитале Университета Хельсинки.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.niito.uz](http://www.niito.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Хаджибаев Абдухаким Муминович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кариев Гайрат Маратович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Мамадалиев Абдурахман Маматкулович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Научно исследовательский институт скорой помощи им. И.И. Джанелидзе (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent.@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за №1). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 года).

**М.Ж. Азизов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**У.М. Рустамова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, кандидат медицинских наук,  
старший научный сотрудник

**И.Ю. Ходжанов**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по  
присуждению ученых степеней  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной Организации Здравоохранения «нетравматическое субарахноидальное кровоизлияние (САК), причиной которого являются аневризмы сосудов головного мозга, относятся к наиболее тяжелой форме цереброваскулярной патологии»<sup>4</sup>. Высокая медико-социальная значимость данного заболевания определяется не только распространённостью, но и значительным экономическим ущербом в связи с высокой частотой летальности и инвалидизации. Так, «в настоящее время 30-дневная смертность достигает 40%, а около 50% выживших имеют стойкую инвалидность»<sup>5</sup>. С развитием диагностических и микрохирургических технологий начали развиваться современные принципы хирургии аневризм, главным преимуществом которого является надежное выключение ее из кровотока путем клипирования<sup>6</sup>. Достигнутые радиологические успехи эндоваскулярной хирургии как в диагностическом аспекте, так и в лечении аневризм сосудов головного мозга имеют ряд недостатков, как в методологическом, так и в плане дороговизны, в связи с этим поиск новых путей решения этой патологии остается в ряду приоритетных направлений.

В мире наиболее актуальными остаются вопросы изучения особенностей клинического течения патологического процесса, разработки методов фокусной микрохирургии и алгоритма тактики ведения больных с аневризмами сосудов головного мозга с разрывами и без разрывов. В том числе, немаловажным является сравнительный анализ результатов лечения аневризм сосудов головного мозга методами традиционного и фокусного микрохирургического клипирования.

На сегодняшний день в нашей стране предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В результате проведенных мероприятий, в том числе, достигнуты положительные результаты в оказании качественной, высокотехнологичной нейрохирургической помощи. Несмотря на проводимые целевые меры в системе здравоохранения на сегодняшний день, в том числе в травматологии имеется ряд задач ожидающих своего решения. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи детям и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их

---

<sup>4</sup> Всемирный доклад о профилактике нарушений мозгового кровообращения. Женева: Всемирная организация здравоохранения, 2015.

<sup>5</sup> Dority J. S., Oldham J. S. Subarachnoid Hemorrhage: An Update // Anesthesiol Clin. – 2016. – Sep. – Vol. 34, №3. – P. 577-600.

<sup>6</sup> Elsharkawy A., Niemela M., Lechecka M. Focused opening of the sylvian fissure for microsurgical management of MCA aneurysms // Acta Neurochir (Wien). – 2014. – Vol. 156, №1. – P. 17–25. \ (Kockro R. A., 2016 Sep 5.).

полноценной жизнедеятельности<sup>7</sup>. В соответствии с этим, изучение особенностей клинического течения артериальных аневризм сосудов головного мозга, а также совершенствование подходов к диагностике и лечению этого контингента больных является одним из актуальных направлений для исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» за № УП-4985 от 16 марта 2017 года, «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года и «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

